

Ш А Р Т Н О М А № 47/12
(Газетага обуна бўлиш тўғрисида)

16.12.2021 йил.

Тошкент шаҳри

“Хуррият” газетаси таҳририяти (кейинги ўринларда – “Таҳририят” деб юритилади) номидан ушбу таҳририят Низоми асосида фаолият кўрсатувчи бош муҳаррир А.П.Жумакуловни тимсолида бир тарафдан ва

“O'zbekneftgaz” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) номидан ушбу жамият томонидан тасдиқланган Муборак нефт ва газ казиб чиқариш бошқармаси тўғрисидаги Низом ва 04.03.2021 йилда берилган 12-1-54-сон ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи ушбу бошқарма директори Р.Ч.Шеровни тимсолида иккинчи тарафдан

биргаликда “Тарафлар” деб аталадиганлар “Буюртмачи” газетага обуна бўлиш учун “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Хуррият” мустақил газетаси ўртасида 2021 йил ноябр ойида тузилган меморандуми ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.08.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли қарорига илованинг 16-банди даврий нашрлар (газеталар, журналлар)га, шу жумладан уларнинг электрон вариантларига тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳисобга олиб, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1. Мазкур шартномага асосан “Буюртмачи” “Хуррият” газетасига шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган миқдор ва баҳо асосида 2022 йил учун обуна бўлади, “Таҳририят” томонидан “Буюртмачи” тақдим қилган тақсимот асосида газетани йил давомида етказиб бериш мажбуриятини олади. Газета 2022 йил 1 январдан 31 декабрга қадар жами 52 та сон, 8 саҳифада, тўлиқ рангли А-2 ҳажмида чоп этилади. “Буюртмачи” эса нашр учун обуна пулини мазкур шартноманинг 2.1 ва 3.1 бандларига асосан тўлайди.

II. НАШРНИНГ ОБУНА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ:

2.1. Нашрнинг 2022 йил учун “Таҳририят” томонидан белгиланган обуна баҳоси Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг вилоят, туман (шаҳар)даги тегишли манзилларига почта орқали етказиб бериш шarti билан қуйидагича белгиланади:

Нашр индекси	Нашр номи	Чоп этиш тили	Формати	Босмадан чиқадиган кун	I нусха газетанинг йиллик таҳририят обуна баҳоси (сўмда)	Нусха сони	ҚҚС сиз	Шартнома суммаси
233	“Хуррият”	Ўзбек	A2 8 бет	чоршанба	520 000	50	0	26 000 000
Сумма 26 000 000 (йигирма олти миллион сўм 00 тийин)								

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. “Буюртмачи”:

— Газета учун обуна пули олдиндан 100 (юз) фоиз миқдорида мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб узоғи билан 10 (ўн) банк иш куни ичида “Таҳририят”га пул ўтказиш йўли билан тўлаш мажбуриятини олади, Молия вазирлигининг Ғазначилик бўлимлари орқали тўловлар амалга оширадиган ташкилот ва муассасалар узоғи билан 30 (ўттиз) банк иш куни давомида 100 (юз) фоиз ҳажмида тўловни амалга оширишлари лозим.

— “Таҳририят”:

— “Буюртмачи”нинг тақсимоти асосидаги манзилларга газетани почта бўлимлари орқали етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. “Буюртмачи”:

— Нашрлар ўз вақтида етказиб берилишини, етказиб бериладиган нашрнинг обуна сони тўлиқлигини “Таҳририят”дан талаб қилиш, шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки тўлиқ даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Таҳририят”дан белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

“O'ZBEKNEFTGAZ”
MUBORAK NEFT VA QAZ
QAZIB CHIQARISH BOSEQBARMASI
... IMT

3.3. “Томонлар” ўртасида шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда ёки қисман бажарилмаган ҳолларда бу хусусида ўзаро далолатнома тузилади ва ўзаро тасдиқланади, ушбу далолатнома мазкур шартноманинг ижроси юзасидан тегишли ҳуқуқий кучга эга бўлади.

3.4. “Буюртмачи” томонидан шартномада кўзда тутилган тўлов кечиктирилган ҳолларда “Таҳририят” га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 1 (бир) фоиз миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

3.5. “Таҳририят” томонидан шартномада кўзда тутилган газета чоп қилинмаганда ёки тўлиғича чоп этилмаган тақдирда ва ёки газета чоп қилинган бўлсада, “Буюртмачи”га етказиб берилмаган ёки қисман етказилмаган ҳолларда “Буюртмачи” томонидан “Таҳририят”га ўтказилган маблағ етказиб берилмаган газета учун олинган маблағ тўлиқ қайтариб берилади, қайтариб бериш учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун эса “Таҳририят” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 1 (бир) фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби

4.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда ушбу Шартнома билан белгиланади.

4.2. Ушбу Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар уларнинг ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида кўрилишига тегишли бўлади. Даъвогар талабнома юбориш тартибига риоя этиши ва талабнома олинганидан бошлаб 10 (ўн) иш кунини кўриб чиқиши шарт.

V. Яқуний қондалар

5.1. Ушбу Шартноманинг шартлари ва ундаги маълумотлар, ҳамда Шартномани бажариш жараёнида олинган маълумотлар сир бўлиб ҳисобланади ва Шартноманинг амал қилиш муддати давомида, ҳамда Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг 1 (бир) йил давомида иккинчи Тарафининг розилигисиз учинчи тарафга ҳар қандай ҳолда ошкор этилмаслиги шарт.

5.2. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги тартиб ва тамойилларга риоя қилиши (ўзининг мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланмаслиги, шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этмаслиги) шарт.

5.3. Тарафларнинг бири Шартноманинг 6.3 бандида кўзда тутилган шартларга риоя этмаса, иккинчи Тараф Шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, Шартномани тегишлича ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда Шартноманинг 6.3 бандида кўзда тутилган шартларга риоя этмаган Тараф иккинчи Тарафдан Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

5.4. Сотувчи ушбу Шартнома бўйича Сотб олувчи ходимларининг коррупцион ҳаракатларига тўқнаш келса ёки бу каби ҳаракатларини билса, бу ҳақда қуйидаги алоқа йўллари орқали Сотиб олувчига хабар бериши зарур: Сотувчининг + 998 (71)233- 28-88 рақамли ишонч телефонига, <http://www.ung.uz/contacts/> расмий сайтига, “Facebook” тармоғидаги @uzbekneftgaz каналига, Сотиб олувчининг Telegram каналидаги “UNG Общение”: @uzneftgazbot ботига ёки почта манзилига тегишли матндаги хат билан.

5.5. Шартнома имзолангандан сўнг Тарафлар ўртасида Шартномани тузишга оид барча барча ёзма ва оғзаки келишувлар, агар улар ушбу шартномага зид бўлса, ўз кучини йўқотади.

5.6. Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланганидан бошлаб ҳақиқий ҳисобланади.

5.7. Шартнома ўзбек тилида ва 2 (икки) асл нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва Тарафларга бир нусхадан берилади.

5.8. Номи, юридик манзили ёки реквизитлари ўзгарган Тараф бу ҳақда иккинчи Тарафни

VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ:

6.1. Шартнома икки нусхада тузилиб, “Томонлар” тасдиқлаган кундан эътиборан қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.


VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ, ИМЗОЛАРИ:

“ТАҲРИРИЯТ”

“Хуррият” газетаси таҳририяти

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй
Х/р: 20212000903973590001
ТИФ “Миллий банк” Амалиёт Бошқармаси
МФО: 00451, ИНН: 202 743 398
ОКЭД: 58130, ОКОНХ:87100
тел(факс): (8371) 244-32-80, 244-32-70




А.П.Жумакулов

Келишилган:

Директор ўринбосари

Харидлар бўлими бошлиғи

Объектларни бошқариш ва сервис бўлими бошлиғи

Катта ҳисобчи

Юридик бўлими бошлиғи


“БУЮРТМАЧИ”


“O'zbekneftgaz” АЖ


100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Истикбол кўчаси, 21 уй,
e-mail: kans@uzneftgaz.uz / info@ung.uz
тел.+99871 236 02 10, факс +99871 236 77 71
х/р 2021 0000 8001 2433 9001 АТ “СҚБ”
Тошкент шаҳар Яшнобод филиалида,
МФО 00432, СТИР 200 837 914,
ИФТК 84111, ОКПО 000 375 17






Р.Ч.Шеров


Б.Р.Хужамбердиев


А.Р.Самандаров


Т.Ш.Жумаев


У.Б.Худойбердиев


Ж.Р.Яхшибоев

